

## АРАБ МИЛЛИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ризаев Азизжон Раҳимжонович

Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчиси

**Аннотация:** мақолада сиёсий фанларда идентификация тушунчасининг аҳамияти ва унинг замонавий талқинлари таҳлил қилинган. Идентикликнинг шаклланиш жараёнлари, унинг турлари ва даражалари ўрганилган. Глобаллашув шароитида миллий давлат идентиклигининг трансформацияси ва унинг оқибатлари кўриб чиқилган. Халқаро муносабатлар назариясида идентикликни концептуаллаштириш масалалари ёритилган. Ташқи сиёсат идентификациясининг моҳияти ва тузилиши таҳлил этилган. Идентикликни ўрганишнинг замонавий ёндашувлари, жумладан, кўп даражали моделлар ва дискурсив ёндашувлар тадқиқ этилган. Идентикликнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги омиллари аниқланган. Миллий идентикликни мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар берилган, модернизация жараёнларининг идентикликка таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** идентификация, глобаллашув, миллий давлат, ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар, модернизация, араб дунёси, миллий хавфсизлик, геосиёсат, идентиклик трансформацияси, ислохотлар.

**Аннотация:** в статье анализируется значение понятия идентификации в политических науках и его современные интерпретации, процессы формирования идентичности, ее типы и уровни. Рассматривается трансформация идентичности национального государства в условиях глобализации и ее последствия. Освещаются вопросы концептуализации идентичности в теории международных отношений. Анализируется сущность и структура внешнеполитической идентификации. Исследуются современные подходы к изучению идентичности, включая многоуровневые модели и дискурсивные подходы. Определяются факторы стабильности и изменчивости идентичности. Даются рекомендации по укреплению национальной идентичности и обеспечению государственной безопасности, изучается влияние процессов модернизации на идентичность.

**Ключевые слова:** идентификация, глобализация, национальное государство, внешняя политика, международные отношения, модернизация, арабский мир, национальная безопасность, геополитика, трансформация идентичности, дискурсивный подход, реформы

**Abstract:** The article analyzes the significance of the concept of identification in political sciences and its modern interpretations. The processes of identity formation, its types and levels are explored. The transformation of national state identity in the context of globalization and its consequences are examined. Issues of conceptualizing identity in international relations theory are highlighted. The essence and structure of foreign policy identification are analyzed. Modern approaches to studying identity, including multi-level models and discursive approaches, are investigated. Factors of stability and variability of identity are identified. Recommendations for strengthening national identity and ensuring state security are provided.

**Keywords:** identification, globalization, nation-state, foreign policy, international relations, modernization, Arab world, national security, geopolitics, identity transformation, discursive approach, reforms.

XX аср ўрталари сиёсий фанлар ўзининг ривожланиш даврида ўз терминологик базасини кенгайтириш мақсадида бошқа ижтимоий фанлардан "идентификация" атамасини ўзлаштирди. Бу жараён сиёсий фанлар доирасида илмий тилни бойитишга сезиларли ҳисса қўшди. Дастлаб сиёсий идентиклик тушунчаси узок муддат партиялар тизимида сайловчилар хулқ-атворини тавсифловчи омил сифатида талқин этилган. Сиёсатшуносликда бу концепция кенгайиб, фуқароларнинг сиёсий ўзини ўзи англашининг турли жиҳатларини қамраб олувчи тушунчага айланди. Миллий идентикликнинг шаклланаётган универсал моделлари замонавий сиёсий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Профессор Э.Эриксон<sup>1</sup> таъкидлашича, идентиклик кенг қамровли ва универсал тушунча бўлиб, у шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурларини акс эттирувчи ва "Мен"нинг узлуксизлиги ҳисси билан уйғунлашган фаол жараён сифатида талқин этилади. Бундай идрок ҳаётий тажрибани яхлит ҳодиса сифатида англашга ва шу асосда изчил фаолият юритишга имкон яратади. Шу маънода, идентиклик инсоннинг ижтимоий мавқега

<sup>1</sup> Bially Mattern J. The Power Politics of Identity // European Journal of International Relations, 2001, Vol. 7, No. 3. P. 363

интеграциясининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Сиёсий идентиклик эса ижтимоий идентикликнинг ўзига хос тури сифатида қаралади.

Сиёсий ўзликни англаш этномаданий ўлчовга эгаллиги илмий доираларда эътироф этилган. Маданий контекстларда инсон шахси ва унинг ижтимоий ўзлигини англаш ўртасидаги муносабатларни талқин қилишда сезиларли фарқлар кузатилади. Айрим маданиятларда шахснинг яхлитлиги ва бирлиги, унинг ижтимоий мавқеидан қатъи назар, устувор аҳамият касб этади. Бу ёндашувда шахсий хусусиятларнинг ўзгарувчанлиги ва ижтимоий роллар тизимига боғлиқлиги кўпинча салбий ҳодиса ёки "ўзликни англаш инқирози" белгиси сифатида қаралади.

Сиёсий идентификация жараёни индивиднинг ўзи ва унинг дунёдаги ўрни ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш, шунингдек, ўз ижтимоий мавқеи ва гуруҳларига нисбатан муносабатини белгилаш жараёнидир. Бу жараёнда шахс ўзининг ижтимоий позициясининг сиёсий воқеликнинг турли объектларига "яқинлик" даражасини баҳолаш асосида дунёнинг субъектив моделини ва ундаги ўз ўрнини шакллантиради. Сиёсий идентификация механизми шахснинг бошқа индивидлар, сиёсий ташкилотлар ва ҳокимият институтлари билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашга хизмат қилади. Бу жараён орқали индивид ўзини маълум бир сиёсий гуруҳ ёки қарашлар билан бирлаштиради ёки улардан узоқлашади.

Замонавий сиёсатшуносликда идентификация тушунчасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу тенденция сиёсий жараёнларни илмий англаш ва тадқиқот предметининг кенгайиши билан боғлиқ. XX асрда сиёсатшунослар асосий эътиборни сиёсий партиялар, сайловлар, давлат институтлари, сиёсий тизимларни таҳлил қилишга, шунингдек, оммавий онг, сиёсий ғоялар, манфаатлар гуруҳлари ва қарорлар қабул қилиш механизмлари эволюциясини ўрганишга қаратдилар. Ижтимоий ўзгаришлар субъектлар мотивациясига эътибор қаратилиши уларнинг субъектив идрокини сиёсат тадқиқотлари доирасига киритди ва бу идрокнинг сиёсий ҳаракатларда намоён бўлишини ўрганиш имконини берди. Бироқ инсоннинг сиёсий жараён иштирокчиси сифатидаги роли ва унинг турли даражадаги ижтимоий тузилмалар билан ўзаро алоқаси кўпинча сиёсий таҳлил доирасидан ташқарида қолмоқда.

Сиёсий онгни концептуаллаштириш ёндашувини ўрганишда менталитет категориялари, дунёқарашлар, архетиплар ва бошқа турдош илмий фанлардан



ўзлаштирилган тушунчалардан фойдаланиш зарурати юзага келди. Идентиклик концепцияси сиёсий жараёнларнинг субъектив жиҳатларини чуқурроқ англаш ва таҳлил қилиш имконини берди. У шахнинг ўзини англаши, гуруҳий мансублик ҳисси ва жамиятнинг умумий кадриятлар тизими ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушунтиришга ёрдам берди.

Глобаллашув, ахборот макони кенгайиши ва тармоқ алоқалари жадал ривожланиши шахнинг идентиклиги ва дунёдаги ўрни ҳақидаги анъанавий тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Муайян мамлакатга мансублик билан боғлиқ "миллий" идентиклик тушунчаси шахсни сиёсий ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида белгилашдаги аввалги меъёрий аҳамиятини йўқота бошлади. Бунинг натижасида миллий давлатни қўллаб-қувватловчи анъанавий механизмлар заифлаша бошлади. Яқин ўтмишгача диний ва конфессионал идентиклик иккиламчи аҳамиятга эга деб ҳисобланар ва асосан камроқ модернизациялашган жамиятларга хос хусусият, уларнинг замонавийликка мослаша олмаганлигининг белгиси сифатида қабул қилинар эди. Бироқ ҳозирги кун бу қарашлар ҳам қайта кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатнинг миллий-давлат идентиклигини аниқлашнинг бошқа асослари (масалан, фуқаролик миллати) макросиёсий идентиклик сифатида талқин этилиши мумкин. Бу идентиклик шакли кўпинча давлат ва манфаат гуруҳларининг мақсадли таъсири остида шаклланади ёки яратилади<sup>2</sup>. Сиёсий фанларда "идентификациялаш сиёсати" тушунчаси озчиликни ташкил этувчи гуруҳларнинг ўз кадриятлари ва хулқ-атвор нормаларини тасдиқлаш ҳаракати билан боғланади. Бу сиёсат ижтимоий ҳаракатларнинг муҳим қисмига айланиб, уларнинг ривожланишига туртки бермоқда. Гуруҳ идентиклигини ҳимоя қилиш давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу XXI асрда шахнинг сиёсий идентификацияланишида анъанавий иштирок шакллари (партияга аъзолик, сайловларда овоз бериш) аҳамиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Идентификация сиёсатини фанлараро ўрганиш катта аҳамиятга молик. Бундай тадқиқотлар объектив воқелик ва субъектив идрокни уйғунлаштириб, ривожланишнинг макон-замон ўлчовларини ҳисобга олишга имкон беради. Идентикликни таҳлил қилиш инсонлар ва институтлар ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини аниқлаш, ижтимоий алоқалардаги горизонтал ва вертикал

<sup>2</sup> Legro J.W. The Plasticity of Identity under Anarchy // European Journal of International Relations, 2009. Vol. 15, No. 1. P. 39

боғланишларни ўрганиш орқали замонавий жамиятнинг институционал динамикаси истиқболларини баҳолашга ёрдам беради.

Мазкур тенденциялар глобаллашув даврида идентиклик шаклланишини таҳлил қилиш доирасини белгилайди. Сўнгги йигирма йил ичидаги глобаллашув жараёнларининг талқинларидан бири шуки, бу даврда модернизация дунёнинг ҳар бир жамияти учун муқаррар талабга айланди. Бу ҳолат идентификация компонентларининг кенгайиши ва идентификация моделларининг универсаллашувини назарда тутди. Идентификация масалаларига эътиборнинг кучайиши ижтимоий бегоналашув ва индивидуал ўз-ўзини бегоналаштиришнинг глобал жараёнлари чуқурлашаётганини кўрсатади. Идентификация тушунчаси "биз-улар", "ўзимизники-бегона", "дўст-душман" каби қарама-қаршилиқларни ўз ичига олади. Бугун идентиклик айрим гуруҳларни бошқалардан фарқлаш учун кучли воситага айланмоқда.

Халқаро муносабатларда идентикликни концептуаллаштириш асосан уни бошқа рағбатлантирувчи омиллар, хусусан, миллий манфаатлар билан қиёслаш орқали амалга оширилган. Тадқиқотнинг асосий объекти идентификациянинг функционал жиҳати бўлиб, унинг ташқи сиёсатни таҳлил қилишдаги роли, қарор қабул қилиш жараёнига таъсири, мақбул стратегияларни аниқлаш ва афзалликларни шакллантиришдаги аҳамияти ўрганилган. Узоқ вақт давомида тадқиқотчилар орасида идентикликнинг шахсга йўналтирилган яхлит концепцияси устувор бўлди. Бунда асосий эътибор унинг моҳияти ва тузилишига эмас, балки ташқи кўринишларига қаратилди. Идентиклик субъектнинг ўзига хос хусусияти сифатида қаралиб, турли омиллар таъсирида давлат ташқи сиёсат стратегиясининг асосий унсурига айланиши мумкин деб ҳисобланди. Профессор А.Вендт идентикликни ягона тарзда аниқлаш мумкин эмаслигини, балки унинг бир нечта турларини ажратиш зарурлигини таъкидлаган<sup>3</sup>. У "ўхшашлик идентиклиги"ни ўз ичига олган, аммо "беқиёслик идентиклиги"ни ҳисобга олмаган идентификациянинг тўрт турини тақлиф этган.

Шахсга йўналтирилган ёндашувда турли хил идентикликлар иерархиясини аниқлаш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Бу иерархия идентификация объектларининг умумий тизимидан келиб чиқиб, уларнинг функционал аҳамияти ёки ижтимоий уюшмаларнинг даражаланиши асосида шаклланади. Ҳар иккала тамойил ҳам маълум функционал ёки ижтимоий моделларни танлашга асосланади. Бироқ бу

<sup>3</sup> Wendt A. Social Theory of International Politics. 10<sup>th</sup> edition. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. P. 224

ёндашув танланган моделга мос келмайдиган ноёб хусусиятларни эътибордан четда қолдириш хавфини туғдиради. Ушбу мураккаб жараёнда учта асосий омилни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу омиллар идентикликлар иерархиясини шакллантиришда ва уларнинг ўзаро таъсирини тушунишда муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, идентикликнинг динамик жиҳатини ва унинг ўзгаришини тадқиқ этиш, ушбу тушунчанинг яхлитлигини қайта кўриб чиқишга олиб келди. Идентикликнинг барқарорлигини унинг ўзгариш эҳтимоли билан уйғунлаштириш зарурати сиёсий идентификациянинг турли моделларини яратишга туртки бўлди<sup>4</sup>. Бу моделларда тарихий илдизлари туфайли барқарор ва ўзгаришларга мойил бўлса-да, умумий идентикликнинг барқарорлигига камроқ таъсир этувчи босқичлар ажратилади. Копенгаген халқаро муносабатлар мактаби вакиллари уни давлат ва миллат муносабатлари билан боғласа, профессор Г.Флинн<sup>5</sup> фуқаро ва давлат ўртасидаги ижтимоий алоқани ташкил этувчи тамойиллар, кадриятлар мажмуи сифатида таърифлайди.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни таҳлил қилишда мантикий хулосаларга асосланган дискурсив ёндашувнинг ривожланиши ташқи сиёсат ўзига хослигини ўрганишда муҳим бурилиш ясади. Бу ёндашув идентикликнинг конструктив хусусиятини таъкидлаб, унинг шаклланиш субъектлари, воситалари ва жараёнларига эътиборни қаратди, шу билан субъективистик тенденцияни кучайтирди. Ҳозирги вақтда сиёсий идентиклик "барқарор сиёсий ғоялар тўплами" сифатида талқин этилмоқда<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Waeber O. European Integration and Security: Analysing French and German Discourses on State, Nation, and Europe // Discourse Theory in European Politics: Identity, Policy and Governance / Howarth D., Torfing J. (eds.). New York: Palgrave Macmillan, 2005. P. 39.

<sup>5</sup> Flynn G. French Identity and Post-Cold War Europe // Remaking the Hexagon. The New France in the New Europe / Flynn G. (ed.). Boulder: Westview Press, 1995. P. 236.

<sup>6</sup> Legro J.W. The Plasticity of Identity under Anarchy // European Journal of International Relations, 2009. Vol. 15, No. 1. P. 39



Учинчидан, профессор И.Нейманнинг илмий ишлари<sup>7</sup> сабабли сиёсий идентикликнинг интерсубъектив шаклланиши назарияси ва эмпирик тасдиғи ривожланди. Бундан ташқари, "бошқачалик" тушунчаси қайта тикланиб, долзарблашди. Бу эса идентикликни тўғридан-тўғри сабаб-оқибат таъсиридан холи, мустақил категория сифатида кўришга бўлган қарашларни бартараф этишга олиб келди.

Ташқи сиёсат идентификацияси давлат субъективлигини белгиловчи ва халқаро майдонда намоён бўлишини шакллантирувчи ўзаро боғлиқ тарихий тамойиллар, йўналишлар, мақсадлар ва тушунчалар мажмуи сифатида таърифланади. Бу давлат ташқи сиёсатининг мафкуравий асосини ташкил этувчи муносабатлар тизимидир. Ушбу концепция уч асосий жиҳатни қамраб олади: тарихий, репрезентатив ва реляцион<sup>8</sup>. Идентиклик муаммосини ўрганувчи ҳамда маҳаллий контекст ва тарихий тажрибани инобатга олган ҳолда араб дунёсидаги идентиклик масалаларини ўрганишга ўзига хос ёндашувларни илгари сурувчи «Қоҳира мактаби», «Байрут мактаби», «Мағриб мактаби», «Халиж мактаби» кўп даражали идентиклик моделини ривожлантириб, ташқи сиёсат идентификацияси таркибида икки асосий қисм мавжудлигини қайд этиш мумкин<sup>9</sup>: давлат халқаро тизимнинг турли жараёнларида иштирок этиши унинг ташқи сиёсат идентиклиги тузилишини белгилайди.

Ташқи сиёсат идентификацияси таркибидаги унсурларнинг ўрнини белгиловчи икки асосий мезон мавжуд: барқарорлик даражаси ва халқаро тизим даражасига мувофиқлик. Бу концепция асосида идентикликни ўзгартиришнинг асосий омилларини аниқлаш мумкин. Идентиклик сақланиши акторларнинг уни яратишга тайёрлиги, яратиш механизмлари ва идрок этишнинг субъектлараро хусусиятларига боғлиқ. Идентификация ўзгариши шу уч омилнинг ўзгариши натижасида юз беради. Идентиклик ўзгариши икки йўналишда: мавжуд тузилиш мустаҳкамланганда юзага келадиган жипслашув ва номутаносиблик юзага келганда содир бўладиган издан

<sup>7</sup> Al-Jabri, Mohammed Abed. The Formation of Arab Reason: Text, Tradition and the Construction of Modernity in the Arab World. I.B.Tauris, 2011. P. 115.

<sup>8</sup> Teti Andrea. Identities and Foreign Policies in the Middle East // International Relations of the Middle East, Oxford University Press, 2020. P. 73.

<sup>9</sup> Matar Gamil. The Politics of Identity in the Arab World // Middle East Journal, vol. 70, no. 4, 2016, pp. 515-530.

чиқишда кечиши мумкин. Ўзгариш йўналишини белгиловчи асосий омил – идентикликни шакллантирувчи субъектларнинг иродасидир<sup>10</sup>.

Халқаро муносабатлар асосий рақобат майдонига айланган ҳозирги шароитда давлат институтлари миллий идентикликка таҳдид солувчи салбий тенденцияларни аниқлаши ва уларга қарши чоралар кўриши зарур. Давлат тизимида миллий хавфсизлик стратегияси ривожланмаганлиги мамлакатнинг ўзига хослиги ва суверенитетига жиддий таҳдид солади. Бу ҳолат давлатнинг хусусиятлари ва суверенитети аста-секин йўқолишига, натижада унинг сиёсий субъект сифатида барҳам топишига олиб келиши мумкин. Бунга қарши саъй-ҳаракатлар доирасида геосиёсий вазиятни доимий таҳлил қилиш тизими яратилиши, хавфсизлик стратегияси ҳозирги таҳдидларга мослаштирилиши, миллий манфаатлар устуворлигини назарда тутган ҳолда халқаро ҳамкорлик кучайтирилиши давлатнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Араб давлатларидаги трансформация жараёни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни қамраб олмоқда. Араб дунёсини модернизация қилиш либерал ислоҳотлар билан боғлиқ. Бироқ араб жамиятига хос консерватизм бу ислоҳотларни амалга оширишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ўз навбатида, ислоҳотларни амалга ошириш учун узоқ вақт зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, анъанавий ва замонавий кадриятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини инобатга олиш, таълим тизимини такомиллаштириш араб давлатларини миллий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда бугунги кун шароитларига мослаштиришга ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Al-Jabri, Mohammed Abed. The Formation of Arab Reason: Text, Tradition and the Construction of Modernity in the Arab World. I.B.Tauris, 2011. P. 115.
2. Bially Mattern J. The Power Politics of Identity // European Journal of International Relations, 2001, Vol. 7, No. 3. P. 371.
3. Flynn G. French Identity and Post-Cold War Europe // Remaking the Hexagon. The New France in the New Europe / Flynn G. (ed.). Boulder: Westview Press, 1995. P. 236.

---

<sup>10</sup> Bially Mattern J. The Power Politics of Identity // European Journal of International Relations, 2001, Vol. 7, No. 3. P. 362-369



4. Legro J.W. The Plasticity of Identity under Anarchy // European Journal of International Relations, 2009. Vol. 15, No. 1. P. 39
5. Matar Gamil. The Politics of Identity in the Arab World // Middle East Journal, vol. 70, no. 4, 2016, pp. 515-530.
6. Teti Andrea. Identities and Foreign Policies in the Middle East // International Relations of the Middle East, Oxford University Press, 2020. P. 73.
7. Waever O. European Integration and Security: Analysing French and German Discourses on State, Nation, and Europe // Discourse Theory in European Politics: Identity, Policy and Governance / Howarth D., Torfing J. (eds.). New York: Palgrave Macmillan, 2005. P. 39.
8. Wendt A. Social Theory of International Politics. 10th edition. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. P. 224